



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «17» январь

№ ПК-28

### Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-166-сон Фармонига мувофиқ:

#### 1. Қўйидагилар:

**Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;**

**Энергетика бозорини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармонига мувофиқ, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ходимларининг чекланган штатлар сони **30** та этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

Бунда мазкур штат бирликларининг:

**10 таси** Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ва “Атом электр станцияси қурилиши дирекцияси” ДУКнинг штат бирликларини мос равишда қисқартириш ҳисобига;

**20 таси** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги марказий аппаратининг штат бирликларини мос равишда қисқартириш ҳисобига шакллантирилсин.

Агентликка тақдим этилаётган штат бирликлари заруратдан ва амалга ошириладиган иш ҳажмидан келиб чиқиб тўлдирилиши белгилансин.

**3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 февралдан бошлаб:**

Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади;

электр энергетикаси соҳасида амалга ошириладиган барча, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичлари, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашдаги технологик сарф меъёrlари тегишли қисми бўйича Агентлик билан келишилади;

Агентлик директори Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг доимий аъзоси бўлиб, мазкур комиссия раисининг ўринbosари ҳисобланади.

**4. Агентлик ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджетдан ташқари Энергетика бозорини ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

**5. Белгилансинки:**

**а)** қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

енергетика бозори иштирокчилари фаолиятини лицензиялашдан тушадиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грантлари, имтиёзли кредитлари ва бошқа мақсадли маблағлари;

электр энергиясининг рақобатга асосланган ултуржи ва чакана бозорлари қоидаларини бузганлик учун қўлланилган жарималардан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар;

**б) Жамғарма маблағлари:**

Агентликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга;

Агентлик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишга;

Агентлик ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва амалиёт ўташини, шу жумладан хорижий давлатларга хизмат сафарларини ташкил қилиш, халқаро конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишини таъминлашга;

Агентлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ бошқа тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

## **6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:**

а) **2024 йилда** Агентликнинг иш ҳақи билан боғлиқ харажатлари мазкур қарорнинг 2-бандига мувофиқ штат бирликларини мақбуллаштиришдан иқтисод қилинган маблағлар ҳамда юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан амалга оширилишини таъминласин.

Бунда, Агентликни сақлаш билан боғлиқ бошқа харажатлар, шу жумладан хизмат автотранспорт воситаларини харид қилиш Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин;

б) халқаро молия институтлари ва донор ташкилотлар томонидан 2024–2025 йилларда Агентлик фаолиятини ташкил этиш учун ажратилган грантлар ва мақсадли маблағларнинг Жамғармага йўналтирилишини таъминласин;

в) **2025 йилдан бошлаб**, ҳар йили Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Агентлик фаолиятини молиялаштириш учун зарур бўлган харажатларни назарда тутсин.

## **7. Белгилансинки:**

Агентлик директори ва үнинг ўринбосари Бош вазир тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик директори мақоми, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазирга, Агентлик директори ўринбосари эса – вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентликнинг фаолияти Давлат бюджети маблағлари, Жамғарма маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Агентликка белгиланган меъёрлар доирасида хизмат автотранспорт воситаларини сақлаш учун лимит ажратилади;

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, шу жумладан хорижий валютадаги шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

Агентлик ходимларига Энергетика вазирлигининг марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

**8.** Агентлик Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлигига тегишли Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 26-й манзилида жойлашган бино ва иншоотларга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

**9.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бosh вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, энергетика вазири Ж.Т. Мирзамаҳмудов ҳамда Агентлик директори Ш.Х. Ходжаев белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш  
агентлиги фаолиятининг  
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 1. Электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорларини босқичма-босқич ташкил қилишни таъминлаш.**
- 2. Электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорларида рақобатни қўллаб-қувватлаш, бозорнинг жозибадорлигини ҳамда талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш.**
- 3. Электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорларининг барча иштирокчилари учун тенг ҳуқуқ ва шаффоффликни таъминловчи қонун-қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш.**
- 4. Электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорлари иштирокчилари фаолиятини лицензиялаш, уларнинг лицензия шартларига амал қилишини назорат қилиш.**
- 5. 2026 йилдан бошлаб электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш учун ҳамда зарур бўлган бошқа ҳолларда тегишли тарифлар ва тўловлар миқдорларини тасдиқлаш.**
- 6. Магистрал ва тақсимловчи электр тармоқларида электр энергиясини узатишка ва тақсимлашда юзага келадиган технологик йўқотишларнинг рухсат этилган меъёрларини тасдиқлаш.**
- 7. Бозор конъюнктураси ва энергия ресурсларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишни режалаштириш ҳамда инфратузилмани яратишга қаратилган узоқ муддатли инвестиция сиёсатини шакллантиришда ва амалга оширишда иштирок этиш.**
- 8. Энергетика соҳасидаги қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда маҳаллий товар ва хизматлар харид қилинишини рағбатлантирувчи механизmlарни ишлаб чиқиш.**

**Энергетика бозорини янада ривожлантириш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш</b>				
1.	Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) самарали фаолияти учун зарур бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	<p><b>1.</b> Халқаро молия институтларининг техник кўмагида халқаро эксперктарни жалб қилган ҳолда Агентлик Низомини ишлаб чиқиш.</p> <p><b>2.</b> Энергетика бозорини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳамда Агентлик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тартибларини ишлаб чиқиш.</p> <p><b>3.</b> Низом ва тартибларни тасдиқлаш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2024 йил март 2024 йил март 2024 йил апрель	Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев)
2.	Агентликка юқори малакали маҳаллий кадрларни ишга қабул қилиш.	<p><b>1.</b> Илғор хорижий тажриба асосида Агентлик ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p><b>2.</b> Биринчи навбатда энергетика тизимида ишлаш тажрибасига эга, хорижий тиллар ва замонавий компьютер технологияларини мукаммал биладиган кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш.</p>	2024 йил февраль 2024 йил апрель	Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.	Агентликка давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари, шунингдек, электр энергетикаси соҳасида етакчи халқаро ва хорижий компаниялар мутахассисларини белгиланган тартибда консультант сифатида жалб қилиш.	<p><b>1.</b> Халқаро молия институтларининг ёрдамида Агентликка жалб қилинадиган халқаро эксперктарга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p><b>2.</b> Халқаро молия институтлари техник кўмаги асосида халқаро консультантларни жалб қилиш.</p> <p><b>3.</b> Заруратга кўра Агентликка юкланган вазифа ва функцияларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари мутахассисларини жалб этиш.</p> <p><b>4.</b> Юқори малакали хорижий мутахассисларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш, шунингдек, Жамғарма маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан уларнинг меҳнатига миллий ёки чет эл валютасида (хориждаги ҳисобварақларга ўтказган ҳолда) ҳақ тўлаш.</p> <p><b>5.</b> Хорижий мамлакатларнинг энергетика бозори регуляторлари ходимлари ва эксперктарини жалб қилган ҳолда илмий-назарий ҳамда илмий-амалий семинарлар, тренинглар, мастер-класслар ва давра сұхбатлари ташкил қилиш.</p>	<p>2024 йил март</p> <p>2024–2025 йиллар Доимий</p> <p>Доимий</p> <p>2024–2025 йиллар давомида</p>	Агентлик (Ходжаев), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
4.	Агентликни зарур мебель, оргтехника ва офис жиҳозлари билан таъминлаш.	<p><b>1.</b> Жаҳон банкининг “iCRAFT”, “ESTART” лойиҳалари доирасида ажратилган грант ва имтиёзли кредитлар ҳисобига Агентлик учун зарур мебель, оргтехника ва офис жиҳозларини харид қилиш.</p> <p><b>2.</b> Халқаро молия институтлари ва донор ташкилотлар билан музокаралар ўтказиб, қўшимча грантлар жалб қилиш чораларини кўриш.</p>	<p>2024 йил февраль – апрель</p> <p>2024 йил давомида</p>	Агентлик (Ходжаев), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов)
5.	Агентликни юқори тезлиқдаги интернет тармоғига улаш ва алоқа, жумладан Ҳукумат алоқаси билан таъминлаш.	<p><b>1.</b> Агентликни юқори тезлиқдаги интернет тармоғига улаш.</p> <p><b>2.</b> Келгусида савдо платформаси ишга туширилиши ва онлайн савдолар ташкил этилишини инобатга олиб қўшимча равишда захира интернет тармоғи билан таъминлаш.</p> <p><b>3.</b> Телефон алоқаси, жумладан Ҳукумат алоқаси билан таъминлаш.</p>	<p>2024 йил январь</p> <p>2024 йил март</p> <p>2024 йил январь</p>	Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Агентлик (Ходжаев), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев)
6.	Халқаро молия институтлари ва донор ташкилотлар томонидан Агентликни доимий қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш.	<p><b>1.</b> Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқа донор ташкилотлар билан ҳамкорлик йўналишлари, техник кўмак ва грантлар ажратиш бўйича ҳаракатлар режасини тасдиқлаш.</p> <p><b>2.</b> Агентлик ва ҳар бир халқаро молия институти ҳамда донор ташкилот ўртасида амалга ошириладиган ишлар бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2024 йил февраль</p> <p>2024 йил март</p>	Агентлик (Ходжаев), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
7.	Агентликнинг жамоатчилик ва энергетика бозори иштирокчилари билан самарали мулоқотини йўлга қўйиш.	<p><b>1.</b> Агентликнинг веб-саҳифасини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.</p> <p><b>2.</b> Интерактив мулоқотни ташкил этиш, шу жумладан Агентликнинг ишонч телефони фаолиятини йўлга қўйиш.</p> <p><b>3.</b> Агентлик фаолиятини оммавий-ахборот воситаларида ёритиб бориш.</p>	2024 йил март 2024 йил март Доимий	Агентлик (Ходжаев), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев), манфаатдор вазирлик ва идоралар
8.	Агентликка юкланган вазифа ва функцияларни бажаришда уни зарур ахборот ресурслари ва статистик маълумотлар билан таъминлаш.	<p><b>1.</b> Агентликни статистика маълумотларининг тарқатилиши мажбурий бўлган ташкилотлар рўйхатига киритиш.</p> <p><b>2.</b> Заруратдан келиб чиқиб Агентлик сўровига асосан вазирлик ва идоралар томонидан юритиладиган ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базасидан фойдаланишга руҳсат бериш.</p>	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги (Бегалов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Агентлик (Ходжаев), манфаатдор вазирлик ва идоралар
<b>II. Электр энергиясининг рақобатли бозорини ташкил қилиш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш</b>				
9.	Ишлаб чиқилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантириш.	<p><b>1.</b> Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) билан биргаликда Электр энергетика бозорини ташкил қилиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосини яратиш бўйича давра суҳбатини ўтказиш.</p>	2024 йил февраль	Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Адлия вазирлиги (Ташкулов)

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<b>2.</b> Ишлаб чиқиладиган ҳужжатлар рўйхатини хронологик кетма-кетлиқда шакллантириш.	2024 йил март	
10.	Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида” қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<b>1.</b> Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда ишлаб чиқилган “Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини халқаро молия институтлари билан биргалиқда кўриб чиқиш. <b>2.</b> Қонун лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш. <b>3.</b> Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил март 2024 йил май 2024 йил июнь	Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
11.	Ўзбекистон Республикасининг “Рақобатли энергетика бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<b>1.</b> Халқаро молия институтлари билан биргалиқда Ўзбекистон Республикасининг “Рақобатли энергетика бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. <b>2.</b> Қонун лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш. <b>3.</b> Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил август 2024 йил октябрь 2024 йил ноябрь	Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
12.	Электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорлари қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	<b>1.</b> Халқаро молия институтлари билан биргалиқда электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорлари қоидаларини ишлаб чиқиш. <b>2.</b> Ҳужжат лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш.	2024 йил май 2024 йил июнь	Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<b>3.</b> Қоидаларни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил июль	
13.	“Лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<b>1.</b> “Лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. <b>2.</b> Қонун лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш. <b>3.</b> Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил май 2024 йил июнь 2024 йил июль	Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Саттаров), манфаатдор вазирлик ва идоралар
14.	Электр энергиясининг рақобатли бозори иштирокчиларининг фаолиятини лицензиялаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	<b>1.</b> Халқаро молия институтлари билан биргаликда электр энергиясининг рақобатли бозори иштирокчиларининг фаолиятини лицензиялаш тартибини ишлаб чиқиш. <b>2.</b> Ҳужжат лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш. <b>3.</b> Лицензиялаш тартибини тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил май 2024 йил июнь 2024 йил июль	Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
15.	Магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	<b>1.</b> Халқаро молия институтларининг техник кўмагида жалб қилинган халқаро эксперталар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган магистрал электр тармоқлари қоидалари лойиҳасини қайта кўриб чиқиш.	2024 йил март	Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов),

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<p><b>2.</b> Ҳужжат лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p><b>3.</b> Магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш қоидалари лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2024 йил апрель 2024 йил май	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов)
16.	Тақсимлаш электр тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	<p><b>1.</b> Халқаро молия институтларининг техник кўмагида жалб қилинган халқаро эксперталар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тақсимлаш электр тармоқларидан фойдаланиш қоидалари лойиҳасини қайта кўриб чиқиш.</p> <p><b>2.</b> Ҳужжат лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p><b>3.</b> Тақсимлаш электр тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2024 йил май  2024 йил июнь  2024 йил июль	Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев)

### III. Тармоқ корхоналарини трансформация қилиш, ўзаро мұносабатларини янгидан шакллантириш ва онлайн платформасини яратиш

17.	“Ўзэнергосотиш” АЖнинг фаолиятини ташкил этиш.	<p><b>1.</b> “Ўзэнергосотиш” АЖ фаолияти түғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p><b>2.</b> Ташкилий тузилмани тасдиқлаш ва малакали раҳбар ходимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда штатлар жадвалини ишлаб чиқиш.</p> <p><b>3.</b> Жамиятни моддий-техник база ва оргтехникалар билан таъминлаш.</p>	2024 йил февраль  2024 йил март  2024 йил март	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Агентлик (Ходжаев), “Ўзэнергосотиш” АЖ (Артиков), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов)
-----	--	---	---	---

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
18.	<p>“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан электр энергиясини харид қилиш бўйича имзоланган шартномаларни “Ўзэнергосотиш” АЖ билан қайта расмийлаштириш.</p>	<p><b>1.</b> “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар, шу жумладан ДХШ асосидаги хусусий электр станциялари билан электр энергиясини харид қилиш, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ҳамда қўшни республикалар билан тузилган экспорт-импорт шартномаларини “Ўзэнергосотиш” АЖ номига тегишли далолатномалар ва шартномалар (битимлар) орқали қайта расмийлаштириш.</p> <p><b>2.</b> Хусусий электр станциялари инвесторлари билан имзоланган инвестиция шартномаси ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битимларга тегишли ўзгартиришлар киритиш.</p> <p><b>3.</b> Электр энергиясини экспорт-импорт қилиш шартномалари ва хусусий электр станциялари билан имзоланган электр энергиясини сотиб олиш шартномаларидаги “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг мажбуриятларини “Ўзэнергосотиш” АЖга тўлиқ ўтказиш.</p>	<p>2024 йил июль</p> <p>2024 йил август</p> <p>2024 йил декабрь</p>	<p>“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов), “Ўзэнергосотиш” АЖ (Артиков), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Агентлик (Ходжаев)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
19.	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергиясини ташувчи ва транзит қилувчи ҳамда ягона электр тизимининг ишончли ишлашини таъминловчи магистрал тармоқ оператори сифатида фаолиятини ташкил этиш.	<p><b>1.</b> “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг маълум функция ва ваколатлари “Ўзэнергосотиш” АЖга ўтказилишини инобатга олиб жамиятнинг ташкилий тузилмасини қайта тасдиқлаш.</p> <p><b>2.</b> Жамиятни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ва унинг бошқарувига хорижий мутахассисларни жалб этиш.</p> <p><b>3.</b> Жамиятни молиявий соғломлаштириш ва унинг халқаро кредит рейтингларини олиши ҳисобига янги магистрал электр тармоқларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш.</p>	2024 йил март  2024 йил июнь  Йил давомида	Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Агентлик (Ходжаев), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов)
20.	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг филиали сифатида “Энергосавдо” корхонасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш.	<p><b>1.</b> Республиkanинг барча ҳудудларида фаолият юритувчи “Энергосавдо” корхонасини ташкил этиш.</p> <p><b>2.</b> “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергиясини якуний истеъмолчиларга сотиш функциясини тақсимлаш электр тармоқларига хизмат кўрсатиш функциясидан ажратиб, “Энергосавдо” корхонасига ўтказиш.</p>	2024 йил май	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Агентлик (Ходжаев), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев)
21.	Электр энергиясининг улуржи савдо операциялари учун мўлжалланган савдо платформасини (кейинги ўринларда – савдо платформаси) яратиш учун техник топшириқни ишлаб чиқиш.	<p><b>1.</b> Халқаро эксперталарни жалб қилган ҳолда савдо платформасини яратиш бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш.</p> <p><b>2.</b> Халқаро молия институтлари ва эксперталар билан биргаликда савдо платформасини яратиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиш.</p>	2024 йил февраль – апрель  2024 йил май	Агентлик (Ходжаев), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), “Ўзэнергосотиш” АЖ (Артиков)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мүддати	Масъул ижрочилар
		<b>3.</b> Ишлаб чиқилган техник топшириқни манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.	2024 йил июнь	
22.	Савдо платформасини яратиш бўйича тендерни эълон қилиш ҳамда тендер ғолиби билан шартнома имзолаш.	<p><b>1.</b> Халқаро молия институтлари билан савдо платформасини ишлаб чиқиш учун молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва тендер савдоларини эълон қилиш.</p> <p><b>2.</b> Тендер савдоларини ўтказиш ва тендер ғолиби билан тегишли шартномаларни имзолаш.</p>	2024 йил июль 2024 йил октябрь	“Ўзэнергосотиш” АЖ (Артиков), Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов)
23.	Савдо платформасини синов-тажриба тариқасида ишга тушириш.	<p><b>1.</b> Савдо платформаси учун зарур компьютер техникаси, сервер ва бошқа ускуналарни харид қилиш ҳамда дастурий таъминот тизимларини ўрнатиш.</p> <p><b>2.</b> Энергетика бозори иштирокчиларини савдо платформасига улаш.</p> <p><b>3.</b> Электр тармоқларининг бўлиниш чегараларидағи ҳисоблагичлар кўрсаткичларини онлайн платформага доимий узатиб бориш учун “АСКУЭ” тизимига интеграция қилиш.</p> <p><b>4.</b> Савдо платформасини синов-тажриба режимида ишга тушириш ва синовдан ўтказиш.</p>	2024 йил декабрь 2025 йил январь 2025 йил февраль 2025 йил март	“Ўзэнергосотиш” АЖ (Артиков), Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (Жураев),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				“Ўзбекгидроэнерго” АЖ (Сангинов)
24.	Тажриба-синов сифатида танланган ҳудудларда электр энергиясини улгуржи харид қилиш ва паст кучланишли тармоқларга уланган якуний истеъмолчиларга сотиш функциясини хусусий операторларга бериш.	<p><b>1.</b> Республика ҳудудларида хусусий операторларга тажриба-синов тариқасида бериладиган ўн тўртта шаҳар ва туманларни танлаш.</p> <p><b>2.</b> Танлаб олинган шаҳар ва туманлардаги барча электр энергияси истеъмолчиларининг тўлиқ “АСКУЭ” тизимига үланишини таъминлаш.</p> <p><b>3.</b> Хусусий операторлар ва “Ўзэнергосотиш” АЖ ўртасида тузиладиган намунавий шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2024 йил август</p> <p>2024 йил сентябрь</p> <p>2024 йил октябрь</p>	<p>Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев), “Ўзэнергосотиш” АЖ (Артиков)</p>
25.	Хусусий операторлар фаолиятини йўлга қўйиш.	<p><b>1.</b> Хусусий операторларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва эълон қилиш.</p> <p><b>2.</b> Ўн тўртта шаҳар ва туманларда электр энергиясини улгуржи харид қилиш ва паст кучланишли тармоқларга уланган якуний истеъмолчиларга сотиш фаолиятини олиб бориш учун хусусий операторларни танлов асосида аниқлаш.</p> <p><b>3.</b> Хусусий операторлар билан электр энергиясини улгуржи харид қилиш ва сотиш бўйича тегишли шартномаларни расмийлаштириш.</p>	<p>2024 йил октябрь</p> <p>2025 йил май</p> <p>2025 йил июнь</p>	<p>Агентлик (Ходжаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев), “Ўзэнергосотиш” АЖ (Артиков)</p>

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>IV. Кадрлар тайёrlаш ва малакасини ошириш</b>				
26.	Агентлик ходимларининг малакасини доимий ошириб бориш тизимини йўлга қўйиш.	<p><b>1.</b> Ходимлар малакасини ошириш учун халқаро молия институтларининг грант маблағларини жалб этиш.</p> <p><b>2.</b> Агентлик ходимларининг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	2024 йил май 2024 йил июль	Агентлик (Ходжаев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев)
27.	Халқаро молия институтларининг техник кўмагида Агентлик ходимлари малакасини доимий ошириб бориш.	<p><b>1.</b> Ходимларни ривожланган давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташ учун юбориш.</p> <p><b>2.</b> Агентлик ходимлари учун халқаро молия институтларининг эксперлари, ривожланган давлатларнинг энергетика бозори регуляторлари ва бошқа хорижлик мутахассислар иштирокида Ўзбекистонда амалий ўқув семинарлари, тренинглар, давра сұхбатлари ва тақдимотлар ўтказиш.</p>	Доимий	Агентлик (Ходжаев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев)
28.	“Ўзэнергосотиш” АЖ ходимлари малакасини ошириш, уларни хорижий давлатларга хизмат сафари ва тажриба алмашиш учун юбориш.	<p><b>1.</b> Халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ходимлар малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p><b>2.</b> Биринчи навбатда онлайн савдо платформаси ва шартномалар билан ишлайдиган ходимларни ривожланган давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташ учун юбориш.</p>	2024 йил май 2024 йил июль	“Ўзэнергосотиш” АЖ (Артиков), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<p><b>3.</b> “Ўзэнергосотиш” АЖ мутахассислари учун халқаро молия институтларининг эксперлари, ривожланган давлатларнинг энергетика бозори регуляторлари ва бошқа хорижлик мутахассислар иштирокида Ўзбекистонда амалий ўқув семинарлари, тренинглар, давра сұхбатлари ва тақдимотлар ўтказиш.</p>	Доимий	
29.	Энергетика бозорининг ташкил этилиши ва республиканинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар асосида олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасалари (кейинги ўринларда – таълим муассасалари) ўқув дастурларини қайта ишлаб чиқиш.	<p><b>1.</b> Энергетика бозорининг ташкил этилиши, замонавий технологияларнинг жорий этилиши, шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб этилаётганлигини инобатга олиб келгуси 10 йилликда кадрларга бўлган талаб ҳамда уларни тайёрлаш йўналишларини ўрганиш.</p> <p><b>2.</b> Янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p><b>3.</b> Хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p> <p><b>4.</b> Олиб борилаётган ислоҳотлар ва энергетика бозори ташкил этилишини инобатга олиб таълим муассасаларида янги ўқув йўналишларини ташкил этиш.</p>	2024 йил июнь 2024 йил август 2024 йил декабрь 2024–2025 йиллар	Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Каримов), Агентлик (Ходжаев), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
30.	Янги ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш мақсадида биринчи навбатда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, уларни хорижий давлатларга стажировка ва тажриба алмашиш учун юбориш.	<p><b>1.</b> Янги ташкил этиладиган йўналишлар ва ўқув дастурларининг долзарблигидан келиб чиқиб профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p><b>2.</b> Тасдиқланган режаларга асосан профессор-ўқитувчиларни хорижга юбориш.</p> <p><b>3.</b> Ривожланган мамлакатлар таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда Ўзбекистонда амалий ўқув семинарлари, тренинглар, давра сұхбатлари ва тақдимотлар ўтказиб бориш.</p>	2024 йил август Доимий Доимий	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Каримов), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Агентлик (Ходжаев), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов)
31.	Талабаларни ўқиш билан бир вақтда замонавий хусусан қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги электр станциялар, шунингдек, хорижда амалиёт ўташини ташкил этиш.	<p><b>1.</b> Ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиша таълимни ишлаб чиқариш билан узвий равишда олиб боришни назарда тутиш.</p> <p><b>2.</b> Талабаларни замонавий электр станцияларида, шу жумладан хусусий электр станцияларида амалиёт ўташи бўйича ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p> <p><b>3.</b> Иқтидорли талабаларнинг тизим корхоналари ва грант маблағлари ҳисобидан хорижда амалиёт ўташини ташкил этиш.</p>	Доимий 2024–2025 йиллар Доимий	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Каримов), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Агентлик (Ходжаев), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (Жураев), “Ўзбекгидроэнерго” АЖ (Сангинов),

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мүддати	Масъул ижрочилар
				<p>“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев), “Ўзэнергосотиш” АЖ (Артиков)</p>





## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «17» января

№ ПП–28

### **О мерах по организации деятельности Агентства по развитию и регулированию рынка энергетики**

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 28 сентября 2023 года № УП–166 «О мерах по проведению очередного этапа реформирования сферы энергетики»:

**1.** Утвердить:

**Приоритетные направления деятельности Агентства по развитию и регулированию рынка энергетики согласно приложению № 1;**

**План мер по дальнейшему развитию рынка энергетики согласно приложению № 2.**

**2.** Принять к сведению, что в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 28 сентября 2023 года № УП–166 предельная штатная численность работников Агентства по развитию и регулированию рынка энергетики (далее – Агентство) установлена в количестве **30 единиц**.

При этом сформировать:

**10** штатных единиц – за счет соразмерного сокращения штатных единиц Агентства по развитию атомной энергетики при Министерстве энергетики и ГУП «Дирекция по строительству атомной электростанции»;

**20** штатных единиц – за счет соразмерного сокращения штатных единиц центрального аппарата Министерства инвестиций, промышленности и торговли.

Определить, что предоставляемые Агентству штатные единицы заполняются исходя из необходимости и объема выполняемой работы.

**3. Установить порядок, в соответствии с которым начиная с 1 февраля 2024 года:**

решения, принятые Агентством в пределах своих полномочий, являются обязательными для исполнения министерствами, ведомствами, местными органами исполнительной власти, другими организациями, должностными лицами и гражданами;

технические и экономические показатели всех проектов, реализуемых в электроэнергетической сфере, в том числе проектов на основе государственно-частного партнерства, баланс производства и потребления электрической энергии, а также технологические нормы расходования в производстве, передаче и распределении электрической энергии по соответствующей части, согласуются с Агентством;

директор Агентства является постоянным членом Межведомственной тарифной комиссии при Кабинете Министров, заместителем председателя данной комиссии.

**4. Создать при Агентстве внебюджетный Фонд развития рынка энергетики (далее – Фонд) без образования юридического лица.**

5. Установить, что:

**а)** источниками формирования средств Фонда являются:

средства, поступающие от лицензирования деятельности участников рынка энергетики;

гранты, льготные кредиты и другие целевые средства международных финансовых институтов и донорских организаций;

средства, поступающие от штрафов, примененных за нарушение правил основанных на конкуренции розничного и оптового рынков электроэнергии;

благотворительные пожертвования физических и юридических лиц;

